БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 277 (18.155). • 1 декабрь 1981 йил, сешанба Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг Германия Федератив Республикасига қилган визити якунлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1981 йил 22—25 ноябрь кунлари Германия Федератив Республикасига қилган визити якунларини кўриб чиқиб, Л. И. Брежневнинг ГФР канцлери Г. Шмидт билан, Ғарбий Германиянинг бошқа давлат ва сиёсий арбоблари билан олиб борган музокаралари ҳамда суҳбатлари чоғида амалга оширган жуда муҳим ва фойдали ишини тўла-тўкис ва батамом маъқулладилар. Л. И. Брежневнинг визит давомида кўпчилик олдида айтган гаплари ва сўзлаган нутқлари Умумевропа ва жаҳон миқёсида маъқулланди. Умуман Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига қилган визити ғоят том маънодаги ҳақиқатан ҳам тинчлик миссияси бўлди.

Ҳозирги халқаро муносабатларнинг кескин ва жуда масъулиятли бир пайтида (бу муносабатлар кескин ёмонлашиб кетиши ёки яхши томонга бурилиб юборилиши мумкин) Л. И. Брежневнинг ГФРга визити икки томонлама Совет — Ғарбий Германия муносабатлари учун ҳам, шунингдек Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг бутун комплекси учун ҳам, жаҳон сиёсатининг умумий йўналиши учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Олий даражада ўтказилган Совет — Ғарбий Германия янги учрашувининг бориши ва якунлари — халқаро ишлардаги йўлнинг КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан ва уруш хавфини, даставвал ядро уруши хавфини бартараф этишга, қуролсизланишга, кескинликни юмшатишга ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч ҳамкорлик қилишга қаратилган йўлнинг таъсирчанлигини исботловчи яна бир далилдир. Л. И. Брежневнинг ГФРда ўтказган музокаралари ва суҳбатлари, унинг учрашувлари ва нутқлари 80-йиллар учун мўлжалланган Тинчлик программасини амалда рўёбга чиқариш соҳасидаги катта сиёсий иш бўлди.

Совет халқининг, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг, Европадаги барча халқларнинг туб хавфсизлик манфаатлари Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда ва даставвал ГФРда Американинг янги турдаги ядро ракеталарини жойлаштириш ҳамда кучлар мувозанатини НАТО блоки фойдасига бузиш режалари муносабати билан Европа устида пайдо бўлган хавф-хатарни қандай бартараф этиш тўғрисидаги энг ўткир ва ғоят муҳим масала Бонндаги музокараларнинг марказига қўйилиши зарурлигини тақозо этди. Л. И. Брежнев бу масалани жуда аниқ ва рўйирост ўртага қўйди.

Л. И. Брежнев ГФРда янги, олисни кўзловчи таклифлар билан майдонга чиқди, бу таклифлар бир мақсадга — ўзаро мақбул аҳдлашувга эришиш, Европани ядро ёнғини хавф-хатаридан халос қилиш мақсадига хизмат қилади. Мазкур таклифлар ГФРга ва Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларгагина мўлжалланган бўлиб қолмай, улар Европада ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли тўғрисида 30 ноябрь куни Женевада Совет — Америка музокаралари бошланиши муносабати билан АҚШга ҳам тааллуқлидир.

Совет Иттифоқи янги таклифларининг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, Совет Иттифоқи ўртача олисликка учириладиган ядро воситаларига оид музокаралар олиб борилаётган пайтда Европада шундай қуролларнинг янги турларини жойлаштиришдан ва мавжудларини янгилашдан тийилиб туриш тўғрисида ўзи илгари олга сурган таклифни талай даражада тўлдирди. Иккинчи томон шундай тийилиб туришга рози бўлган тақдирда Совет томони СССРнинг Европа қисмидаги ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларининг баъзи қисмини бир томонлама тартибда қисқартиришга, СССР билан АҚШ музокаралар якунида шартлашиб олиши мумкин бўлган тобора паст даража томон ҳаракат қилиб боришга тайёр эканлиги изҳор қилинди.

Иккинчидан, Совет Иттифоқи Женевадаги музокаралар давомида ҳар иккала томоннинг ўртача олисликка учириладиган ядро воситаларини ўнлаб эмас, балки юзлаб тўбдан қисқартириш учун курашажаги таъкидланди. Бунда, ўз-ўзидан равшанки, Американинг олдинги базалардаги воситаларини ҳам, шунингдек Англия ва Франциянинг тегишли ядро воситаларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Учинчидан, ҳар иккала томон — Ғарб билан Шарқнинг Европадаги объектларга мўлжал олдирилган ўртача олисликка учириладиган ҳамма турдаги ядро қуролларидан батамом воз кечиши тўғрисида ҳам аҳдлашиб олишга тайёр бўлур эди.

Бундан ташқари, Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, Совет Иттифоқи умуман пировард натижада Европада ҳеч қандай ядро қуроли — ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли ҳам, тактик ядро қуроли ҳам қолмаслиги тарафдоридир. Бу барча томонлар учун адолатли ва ҳақиқатан ҳам «дастлабки тартибдаги ҳал этиш» бўлур эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев олға сурган таклифлар — Европада ядро қуролларини тугатиш программасидир. Бу таклиф барча халқларнинг орзу-умидларига мос келади, ядро уруши хавфига қарши курашаётган кенг оммаанинг талабларига мос бўлиб тушади.

Совет Иттифоқидагилар Ғарб ва биринчи навбатда Америка Қўшма Штатлари Совет Иттифоқининг янги ташаббусларига эътибор бериб, холисона муносабатда бўлишини кутадилар.

Л. И. Брежневнинг суҳбатлари асосида Совет — Америка музокараларидаги Совет делегациясига тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Европадаги ядро қуроли тўғрисидаги масала — қитъанинг келажаги тўғрисидаги, унда яшаётган юз миллионлаб кишиларнинг тақдири ҳақидаги масала бўлибгина қолмай, у ялпи тинчликнинг тақдири тўғрисидаги масала ҳамдир. Совет Иттифоқи музокаралар столи ёнида масалани шундай ҳал этиш йўлини қидириб топиш тарафдорики, токи ҳеч кимнинг хавфсизлигига зиён етказилмасин, Европадаги ҳарбий қарама-қарши туриш даражаси эса пасайтириладиган бўлсин.

Аммо бу масала ўз-ўзидан ҳал этилади деб ўйлаш хом хаёл бўлур эди. АҚШ ва унинг НАТОдаги асосий иттифоқчилари реализм руҳида, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципи асосида ўзаро мақбул аҳдлашувни қидириб топиш йўлига ўтиш иштиёқини шу пайтгача намоён этганлари йўқ. Бондаги музокаралар яна шуни кўрсатдики, Европада ўртача олисликка учириладиган ядро воситалари тўғрисидаги масала хусусида Совет Иттифоқи ва НАТОнинг, шу жумладан ГФРнинг позицияларида жиддий тафовутлар сақланиб қолмоқда.

Кўпгина белгиларга қараганда, НАТОда етакчилик қилаётган давлатлар ва биринчи навбатда АҚШ ҳамон ўзлари учун ҳарбий устунликлар олишга, амалда эса Совет Иттифоқини бир томонлама қуролсизлантиришга умид боғламоқдалар. Л. И. Брежнев жумладан, ГФРга қилган визити вақтида қатъий ва равшан айтганидек, Совет Иттифоқи бунга йўл қўймайди. Совет халқи, Коммунистик партия мамлакатимизнинг, иттифоқчиларимиз ва дўстларимизнинг хавфсизлиги манфаатларидан ҳеч қачон воз кечмайдилар. Европа халқлари, Америка халқи, қуролсизланиш ва тинчлик ишини қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси буни билиб қўйишлари керак. Ғарб давлатларининг масъул раҳбарлари ҳам шуни назарда тутишлари лозим.

Л. И. Брежневнинг ГФРдаги музокаралардан чиқариладиган асосий хулосаларнинг бири шундан иборатки, давлатларнинг социал тузумидан, бирон-бир ҳарбий иттифоқда иштирок этишидан қатъий назар, улар тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш ва ишонч иқлимини қайта тиклаш манфаатларини кўзлаб бутун кучларини сарфлашлари, биргаликда меҳнат қилишни давом эттиришлари керак. Бу барча давлатларнинг амалий сиёсати учун бир йўл бўлиб қолиши муҳимдир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бонндаги музокаралари муваққаблашган халқаро шароитларда давлатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни давом эттириш аҳамияти хусусида Совет Иттифоқи билан ГФРнинг фикрлари бир-бирига мос эканлигини кўрсатди.

КПСС билан Совет давлати халқаро воқеаларнинг бориши учун ўз масъулиятини англовчи ҳар бир мамлакат музокараларни муваффақиятли ўтказишга ва мулоқотни кенгайтиришга қулайлик туғдирувчи сиёсий муҳитни вужудга келтириш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилиши керак, деб ҳисоблаб келдилар ва ҳисоблямоқдалар. СССР билан АҚШ ўртасидаги мулоқотга келганда шуни айтиш керакки, Совет Иттифоқининг шу хусусидаги позицияси даставвал КПСС XXVI съездида мутлақо равшан белгилаб қўйилган. Совет Иттифоқи шундай мулоқот тарафдоридир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети визит давомида икки томонлама Совет — Ғарбий Германия муносабатларини ривожлантириш борасида эришилган натижаларга юксак баҳо берадилар. Бу натижалар СССР билан ГФР ўртасида турли соҳалардаги тинч яхши қўшничилик ҳамкорлигини ривожлантиришга янги зўр омил бахш этади. Визит арафасида Европа доирасида энергетика проблемаларини ҳал этиш соҳасида бизнинг асримиздаги энг йирик ташаббус — «Газ-қувурлар» битими имзоланди. Томонлар келишиб олган ёки кўриб чиқаётган бошқа лойиҳалар билан бирга бу битим йигирманчи асрдан ўтадиган ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни изчиллик билан кучайтириш учун салмоқли негиз яратади.

Музокаралар чоғида ва томонлар қабул қилган қўшма ахборотда таъкидлаб ўтилганидек, ҳар иккала томоннинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган иқтисодий ҳамкорликни қўлай тарзда ривожлантириш умуман давлатлар ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир ўтказади ҳамда халқаро барқарорликка ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин.

Визит якунида Совет Иттифоқи билан ГФР раҳбарлари ҳар иккала давлат СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларда Москва шартномаси, барча мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда эса Умумевропа кенгаши қатнашчилари — Хельсинки Якунловчи акти очиб берган тарихий йўлга бундан буён ҳам амал қилажакларини таъкидладилар.

Совет раҳбарлари Л. И. Брежневнинг савдо-иқтисодий, илмий-техника, маданий соҳалар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида ГФРда олиб борган музокаралари ва суҳбатларидан келиб чиқадиган аҳдлашувлар сўзсиз ва тўла ҳажмда бажарилиши ҳақида тегишли министрликлар, идоралар ва ташкилотларга кўрсатмалар бердилар.

Совет кишилари Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити якунларидан астойдил мамнун бўлишлари учун ҳамма асосларга эгадирлар. КПСС ва Совет давлатининг қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширилаётган ленинча ташқи сиёсати кишиларнинг ақли ва қалбига ишонтирарли таъсир ўтказиб, ўзининг тинчликсеварлигини, миқёси ва ташаббускорлигини яна бир бор намойиш этди.

Совет Иттифоқининг халқлар хавфсизлиги ва тараққиёти, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини чеклаш манфаатлари йўлидаги халқаро фаолияти, ана шу улуғ мақсадларга эришишга Л. И. Брежневнинг кўшган шахсий ҳиссаси шунга ёрдам бермоқдаки, ер юзининг ҳамма жойида инсоният цивилизациясининг олий бойлиги — тинчликни сақлаб қолиш, уни актив ва кун сайин қаттиқ туриб ҳимоя қилиш иродаси мустаҳкамланмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, халқларнинг, турли жамоат кучлари ва доираларининг тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги овози нақадар баралла ва талабчан янграса, бу кураш муваффақият қозониши имкониятлари шу қадар кўпаяди. Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити натижалари тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги кураш янада самарали бўлиб қолиши имкониятларини кенгайтирди, ҳатто энг мураккаб халқаро проблемаларни ҳам ҳал қилиш мумкинлигига халқларнинг ишончини оширади.

Айни вақтда бу муҳим ишда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Уй-жой бинолари баъзан ўз вақтида ва сифатли ремонт қилинмаяпти. Белгиланган муддатларга риоя қилинмайди, ремонт фойдаланиш ишларининг материал-техника таъминоти яхши йўлга қўйилмаган. Уй-жой фондига эга бўлган баъзи министрликлар ва идоралар уй-жой биноларини техникавий жиҳатдан яхши сақлаш учун зарур чораларни кўрмаяптилар.

Кенгаш қабул қилган тавсияларда уй-жой хўжалиги масъул ходимларининг, шунингдек уй-жой эгаларининг уй-жой фонди яхши сақланиши учун жавобгарлигини ошириш, ремонт-қурилиш ташкилотларининг ишини яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, бутун шаҳар миқёсида уй-жой бинолари сақланиши кўригини ўтказиш тавсия этилди. Аҳолининг кучи билан квартираларни ремонт қилиш учун керакли тунука, шифер, пардозлаш ва бошқа материаллар, санитария-техника ускуналари ва буюмларнинг чакана савдосини кўпайтириш таклиф қилинди.

Мажлисда республикада уй-жой ва социал ҳамда маданий-маиший объектлар қуриш планларининг қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омсров, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, «Узколхозстрой» раиси Э. А. Ашуров, республика мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиги Н. Р. Ҳамроев, Тошкент ва Бухоро областлари ижроия комитетларининг раислари Т. А. Алимов ва У. А. Астов, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев шу ҳақда ахборот бердилар.

Республикада уй-жой бинолари, социал ва маданий-маиший объектлар тобора кенг кўламда қурилаётганлигига қарамай, бу соҳада ҳали бир қанча ҳал этилмаган масалалар борлиги кенгашда уқтириб ўтилди. Тошкент ва Бухоро областларида уй-жой бинолари, мактаблар, мактабгача муассасалар қуриш графикларига риоя қилинмаяпти. Айниқса янги касалхоналар ва поликлиникаларни фойдаланишга топшириш ишлари жуда орқада қолмоқда. Республика Қурилиш министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главташкентстрой» ва «Главсредазирсовхозстрой»и, бошқа баъзи министрликлар ва идоралар шундай объектларни қуриш суръатларини пасайтириб юбордилар. Чунки уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилишнинг бориши устидан контроллик сусайди, уларнинг қурилиши муддатларига ва юксак сифатли бўлишига етарли даражада талабчанлик қилинмайди. Кенгаш уй-жой, мактаб, болалар муассасалари, бошқа социал ва маданий-маиший объектлар қуриш юзасидан бу йилги давлат планининг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган пошилинч чоралар кўришни тавсия қилди.

Кенгаш мажлисида Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Бугунги кунда, деб таъкидлади Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ҳамда совет кишилари турмуш даражасини муттасил юксалтиришнинг партия XXVI съезди белгилаган программасини муваффақиятли амалга ошириш йўлларини равшан кўрсатиб берувчи нутқининг қоидалари ва хулосалари бутун ишимизга асос қилиб олиниши керак. Етук социализм шароитида аҳоли турмушини ташкил этишга доимо эътибор бериш — чуқур партиявий, биринчи даражали аҳамиятга молик ишдир. Уй-жой фондига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, маданий-маиший муассасалар ва маъмурий биноларни асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш катта социал ва иқтисодий аҳамиятга эгадир. Уларни ремонт қилиш ва улардан фойдаланишни мустаҳкам индустриал изга қўйиш, бундан ҳали ҳам мавжуд бўлган тарқоқликка барҳам бериш, ремонт-эксплуатация хизматини бир жойга жамлаш, унинг маблағлари ва ресурслари бошқа мақсадларга жалб этилишига йўл қўймаслик керак.

Республикага қўплаб капитал маблағлар ажратиб берилмоқда. Уларнинг тўла ўзлаштирилишини таъминлаш бизнинг шон-шараф ишимиздир. Уй-жойлар, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, кишиларнинг турмушини яхшилашга, фаровонлигини оширишга бевосита дахлдор бўлган бошқа объектлар қуриш ва ишга туширишни муттасил кўпайтиришнинг имкониятларимиз бор. Вазифа ана шу объектларни бир маромда қуриб фойдаланишга топширишдан, қурилишнинг илғор методларидан кенг фойдаланиб, ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришдан иборат. Бу масалада республика партия ташкилотларининг, совет органларининг, жамоатчиликнинг сафарбар қилувчилик ролини яна ҳам юқори кўтариш зарур.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

30 ноябрь куни Тошкентда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда аҳоли турмуш маданиятини ошириш Сурхондарё область кенгашининг иши тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Бу ҳақда область партия комитетининг секретари Х. Холиёров доклад қилди. Ўтган беш йил мобайнида областда юз минглаб квадрат метр уй-жой, кўплаб мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар қурилгандиги қайд этилди. Шаҳарларда ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кооперативлари ишламоқда. 150 дан кўп хуторлар тугатилиб, унинг аҳолиси обод посёлкаларга кўчиб чиқди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, медицина хизматини яхшилаш масалаларига доимо диққат-эътибор берилмоқда ва бу масалалар алоҳида назорат остига олинган.

Шу билан бирга турмушда ўтмиш сарқитлари билан, диний урф-одатлар билан курашни кучайтириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Маданият, матбуот ва радиоэшиттириш муассасаларининг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, область кенгаши қабул қилган тавсияларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш зарур. Мажлис иштирокчилари Сурхондарё областидаги барча аҳоли пунктларини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарлар ва посёлкаларга айлантириш учун социалистик мусобақани уюштириш ва кенг авж олдиришни маслаҳат берадилар. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида оммага ғоявий таъсирнинг барча форма, усул ва воситаларининг юксак таъсирчанлигига эришиш, ёшларни ғоявий жиҳатдан, меҳнатсеварлик руҳида ва аҳлоқий тарбиялашни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Кенгаш республикада уй-жой фондини, социал, маданий-маиший объектлар ва маданий биноларни сақланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ва Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министри А. М. Илюхин докладларини тинглади ва муҳокама қилди. Жойлардаги партия ва совет органлари бу масалаларга ҳамиша эътибор бериб келмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, коммунал хизмат билан таъминлаш даражаси яхшиланди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ—ОММАГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи қоидалари ва хулосаларини, шу беш йилликда ва 1982 йилда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларини тушунтириш учун пропагандистлар группаларини республиканинг шаҳар ва районларига юборди. Группаларнинг составида илмий-тадқиқот муассасаларининг олимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, экономистлардан иборат штатсиз лекторлар бор.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУД ТУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ, «ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИНИНГ ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ ВА ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНЛАРИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР суд тузилиши тўғрисида», «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССР суд тузилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунлари 1982 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига республика Қонунларини «Ўзбекистон ССР суд тузилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқлаштириб чиқиш топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республика ҳукумати қарорларини «Ўзбекистон ССР суд тузилиши тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқлаштириш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1981 йил 27 ноябрь.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бу-ён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	—	98,5
ҚҚАССР	0,3	88,6
Сирдарё	3,5	67,4
Жиззах	2,7	63,2
Хоразм	2,6	46,1
Наманган	4,3	37,1
Фарғона	2,5	36,9
Қашқадарё	1,6	28,0
Андижон	3,2	27,0
Бухоро	1,7	25,6
Самарқанд	0,9	25,0
Сурхондарё	0,4	11,3
Республика бўйича:	2,0	44,6

ИНСТИТУТ ЮБИЛЕЙИ

Тошкент халқ хўжалик институти 40 мингга яқин малакали мутахассис тайёрлаб чиқарди. Республика жамоатчилиги институтнинг яқин асрлик юбилейини кенг нишонламоқда. Ўрта Осиёда энг кекса иқтисодий олий ўқув юртининг собиқ талабалари бугунги кунда халқ хўжалигининг асосий участкаларида меҳнат қилмоқдалар. Институт коллективи Коммунистик партия XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини бажара бориб, ёш мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшиламоқда, ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамламоқда. Олий ўқув юртининг барча 39 та кафедраси кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат ва материал ресурсларини тежаб-тергаш, ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқмоқда. Институт қўллана бошлаган янги техника педагоглар ва студентларнинг мураккаб проблемаларни ҳал этишларига кўмаклашмоқда. Жумладан, бу ерда Ўзбекистон олий ўқув юртлари орасида энг катта бўлган электрон-ҳисоблаш техникаси маркази ишлаб турибди.

30 ноябрь куни Тошкентда институтнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Йиғилишда шаҳар жамоатчилиги намояндалари, мамлакатдаги етакчи олий ўқув юртлари ва илмий марказлардан келган меҳмонлар, мазкур олий ўқув юртининг талабалари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков олий ўқув юрти коллективини шонли сана муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан табриклади. У йиғилиш аҳлининг қарсаклари остида институт байроғига Халқлар дўстлиги орденини қадаб қўйди. Институт халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришдаги хизматлари учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган эди.

Йиғилишда сўзга чиққан кишилар институт коллективини юксак мукофот билан қизғин муборакбод қилдилар, мутахассислар тайёрлашда ва илмий ишларда юбиляргa катта муваффақиятлар, Ватанимизнинг иқтисодий куч-қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган меҳнатда янгидан-янги ғалабалар тиладилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номига табрикнома йўлладилар. Табрикномада совет кишиларининг фаровонлиги, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор қилинган. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан республика халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашдаги хизматлари учун ҳамда Тошкент халқ хўжалик институтининг 50 йиллиги муносабати билан институт проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Эргаш Акромович **Акромовга**, кафедра мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори Владимир Васильевич **Кимга**; кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Нуъмон Муҳамаджонович **Соатовга**; институт ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Мурод **Шарифхўжаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвони, кафедра мудири Аскар Баҳромович **Баҳромов**, факультет декани Александр Сергеевич **Данилов**, кафедра мудири Муталлиб **Мамажонов**, факультет декани Фазлиддин Шамсиддинович ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»** фахрий унвони, институт партия комитетининг секретари Маннон Ғаффорович **Алиев**, кафедра мудири Олег Поликарпович **Загородюк**, кафедра мудири Сандкарим **Қодирхонов**, факультет декани Тоҳир Қосимов, доцент Марк Яковлевич **Перпер** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвони, кафедра мудири ўртоқ Талъат **Саъдуллаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист»** фахрий унвони, институт кафедрасининг мудири ўртоқ Самуил Давидович **Зельцерга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими»** фахрий унвони берилди.

Тошкент халқ хўжалик институти ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

ЖИЗЗАХ, 30 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун Жиззах ип йигириш фабрикасининг ишга туширилган комплексида дастлабки туркум юқори сифатли калава ишлаб чиқарилди. Бу фақат ипак пахта билан ишлайдиган Ўзбекистоннинг биринчи енгил саноат корхонасидир.

Фабриканинг биринчи навбати ишга туширилгач, корхона ҳар йили 4,6 минг тонна қимматли маҳсулот тайёрлаб беради. Беш йилликнинг охирига бориб корхона қуриб битказилгач, у лойиҳадаги қувватга эришади, яъни йилига 120 минг тонна калава беради.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

Бу ердаги барча асбоб-ускуналар «Ташткестилмаш» заводидан келтирилди. Лентали ва лента-бирлаштирувчи станоклар Германия Демократик Республикасидан юборилди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУД ТУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

I БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши**

СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон ССРда одил судловни фақат суд амалга оширади.

Ўзбекистон ССРда ССР Иттифоқи судлари ва Ўзбекистон ССР судлари амал қилади.

Ўзбекистон ССР судлари: Ўзбекистон ССР Олий Суди, Қорақалпоғистон АССР Олий Суди, область судлари, Тошкент шаҳар суди, район (шаҳар) халқ судларидан иборатдир.

2-модда. **ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг суд тузилиши тўғрисидаги қонунлари**

Ўзбекистон ССРнинг суд тузилиши ССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ССРда суд тузилиши тўғрисидаги қонун Асослари ва ССР Иттифоқининг шу Асосларга мувофиқ равишда чиқариладиган бошқа қонун актлари, ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари билан белгиланади.

3-модда. **Суднинг вазифалари**

Одил судловни амалга оширишда суднинг фаолияти социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни ҳар томонлама мустаҳкамлашга, жиноятлар ва бошқа хил ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олишга қаратилган бўлади ва унинг вазифаси:

СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Қорақалпоғистон АССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий тузумни, унинг сиёсий ва иқтисодий системаларини;

гражданларнинг СССР Конституциясида, Ўзбекистон ССР Конституциясида, Қорақалпоғистон АССР Конституциясида ҳамда совет қонунларида эълон қилинган ва гарантиялаб қўйилган социал-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини;

давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар, бошқа кооператив ташкилотлари, уларнинг бирлашмалари ҳамда бошқа хил жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган низолар юзасидан гражданлик ишларини суд мажлисларида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш йўли билан;

2) суд мажлисларида жиноят ишларини кўриш ва жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чораларини қўлланиш ёки айбсиз деб топилганларни оқлаш йўли билан амалга оширилади.

5-модда. **Гражданларнинг қонун ва суд олдида тенглиги**

Ўзбекистон ССРда одил судлов гражданларнинг насл-насаби, социал ва мулкий мавқеи, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характеридан, истиқомат жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, уларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

6-модда. **Гражданларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР гражданлари ўз шаъни ва қадр-қимматига, ҳаёти ва соғлиғига, шахсий эркинлиги ва мулкига тажовуз қилинишидан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари Ўзбекистон ССР территориясида Ўзбекистон ССР гражданлари билан бир қаторда суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

7-модда. **Одил судловнинг қонунга батамом мувофиқ равишда амалга оширилиши**

Ўзбекистон ССРда одил судлов ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунларига батамом мувофиқ равишда амалга оширилади. Қонунда белгиланган ҳолларда Ўзбекистон ССР судлари бошқа иттифоқдош республикаларнинг қонунларини ҳам қўллайдилар.

8-модда. **Ҳамма судларнинг сайлов асосида тузилиши**

Ўзбекистон ССРда ҳамма судлар судьялар ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш асосида тузилади.

9-модда. **Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг ҳисоб бериб туриши**

Судьялар ва халқ маслаҳатчилари сайловчилар ёки ўзлари сайлаган органлар олдида жавобгардирлар ва уларга ҳисоб берадилар.

10-модда. **Ҳамма судларда гражданлик ва жиноят ишларининг коллегиал асосда кўрилиши**

Ҳамма судларда гражданлик ва жиноят ишлари коллегиал асосда кўриб чиқилади.

Биринчи инстанция судида ҳамма гражданлик ва жиноят ишлари судья ҳамда иккита халқ маслаҳатчисидан иборат ҳайъатда кўрилади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди, область судлари, Тошкент шаҳар судининг судлов коллегияларида ишларни кассацион ва назорат тартибида кўриш суднинг уч аъзосидан иборат ҳайъатда амалга оширилади.

Ўзбекистон ССР Олий Суди президиуми, Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиуми, область суди, Тошкент шаҳар суди президиуми ишларни президиум аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда кўради.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленуми ишларни Пленум составининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўради.

11-модда. **Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари билан судьяларнинг ҳуқуқлари тенглиги**

Халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишда судьянинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

12-модда. **Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши**

Судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

13-модда. **Судлов олиб бориладиган тил**

Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳолининг тилида олиб борилади. Судда қатнашувчи кишилар суд ишлари олиб борилаётган тилни билмаган тақдирда, бундай кишилар учун таржимон орқали ишга оид материалар билан тўлиқ танишиб чиқиш ва суд ишларида қатнашиш ҳуқуқи ҳамда судда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

14-модда. **Ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши**

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни суднинг ёпиқ мажлисида тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиб, бунда судловнинг ҳамма қоидаларига риоя этилади.

15-модда. **Айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши**

Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи таъминланади.

16-модда. **Адвокатуранинг гражданларга ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиши**

Гражданлик ҳамда жиноят ишлари судловида адвокатлар гражданларга ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатадилар.

Адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатиш тартиби, шунингдек гражданлик ва жиноят ишлари судловида иштирок этувчи адвокатларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ССР Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ССР қонунлари билан, қонунда белгиланган ҳолларда эса — бошқа иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан ҳам белгиланади.

17-модда. **Ишларни судларда кўриб чиқиш пайтида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати олиб бориш**

ССР Бош Прокурори ва унга бўйсунувчи Ўзбекистон ССР Прокурори ҳамда қуйи турувчи прокурорлар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган асосда ва тартибда ишларни судларда кўриб чиқиш пайтида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиб борадилар.

Прокурор судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши принципига қатъий риоя қилган ҳолда суд вазифаларининг амалга оширилишига ёрдам беради.

18-модда. **Суд олиб боришда жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг иштирок этиши**

Гражданлик ва жиноят ишлари судловида ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг вакиллари иштирок этишларига йўл қўйилади.

19-модда. **Судларда ташкилий раҳбарлик қилиш**

ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунларида кўзда тутилган доирада ва тартибда Ўзбекистон ССР судларига ташкилий раҳбарлик қилишни қуйидагилар амалга оширадилар, яъни:

Ўзбекистон ССР судларига нисбатан — ССР Юстиция министрлиги;

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди, область судлари, Тошкент шаҳар суди, район (шаҳар) халқ судларига нисбатан — Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги;

район (шаҳар) халқ судларига нисбатан — Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги, халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг юстиция бўлимлари ташкилий раҳбарлик қиладилар.

Прокурор судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши принципига қатъий риоя қилган ҳолда суд вазифаларининг амалга оширилишига ёрдам беради.

II БЎЛИМ

СУД СИСТЕМАСИ

1-боб

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУДЛАРИ

20-модда. **Ўзбекистон ССР судлари**

Ўзбекистон ССР Олий Суди, Қорақалпоғистон АССР Олий Суди, область судлари, Тошкент шаҳар суди, район (шаҳар) халқ судлари Ўзбекистон ССР-нинг суд системасини ташкил этадилар.

2-боб

РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИ

21-модда. **Район (шаҳар) халқ судини тузиш**

Район (шаҳар) халқ суди районда, шаҳарда (районга бўйсунувчи шаҳарлар бунга кирмайди), шаҳардаги районда тузилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР юстиция министрининг тақдимига биноан район ва шаҳар учун ёки район ва мазкур район территориясида жойлашган шаҳарлар учун битта район (шаҳар) халқ судини тузиши мумкин.

22-модда. **Район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тартиби**

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари район, шаҳар, шаҳардаги район гражданлари томонидан умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадилар.

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари гражданларнинг ишлаб чиқаришдаги ёки истиқомат қиладиган жойларда ўтказиладиган йиғилишларида, ҳарбий хизматчиларнинг эса ҳарбий қисмларда чақириладиган йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланадилар.

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш тартиби «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни билан белгиланади.

23-модда. **Район (шаҳар) халқ судининг состави**

Район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяси (халқ судьялари) ва халқ маслаҳатчиларидан иборат ҳайъатда сайланади.

Икки ёки ундан ортиқ халқ судьяси сайланган тақдирда, халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ўз сессисида тегишли район (шаҳар) халқ судининг раисини ана шу сайланган халқ судьялари орасидан тасдиқлайди. Бу масала хусусида Қорақалпоғистон АССР юстиция министри, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юстиция бўлими бошлиги тақдимнома киритадилар.

24-модда. **Район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари сони**

Ҳар бир район (шаҳар) халқ суди учун халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг сони Қорақалпоғистон АССР юстиция министри, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлимининг бошлиги берган тақдимномага биноан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан белгиланади.

25-модда. **Район (шаҳар) халқ судининг заволати**

Район (шаҳар) халқ суди, қонун бўйича оошқа судлар қарамоғига берилган ишлардан ташқари, ҳамма гражданлик ва жиноят ишларини кўриб чиқади.

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, район (шаҳар) халқ суди ёки халқ судьяси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўрадилар.

Район (шаҳар) халқ суди суд практикасини ўрганади ва умумлаштиради, ўртоқлик судларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, шунингдек қонунлар билан ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

Агар район (шаҳар) халқ судида битта халқ судьяси сайланган бўлса, у район (шаҳар) халқ судининг раиси заволатини амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги ва халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг юстиция бўлимлари суд кадрлари билан боғлиқ масалаларни юзасидан таклифлар ишлаб чиқадилар;

2) суд кадрлари билан олиб бориладиган ишларга раҳбарлик қиладилар;

3) судларнинг ишлари қандай ташкил этилганлигини текшириб турадилар;

4) суд практикасини ўрганиб ва умумлаштириб чиқадилар, бу ишни Ўзбекистон ССР Олий Суди, Қорақалпоғистон АССР Олий Суди, область судлари, Тошкент шаҳар суди фаолиятига уйғунлаштириб борадилар;

5) суд статистикаси юритиш ишларини ташкил этадилар.

Ўзбекистон ССР юстиция министри Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумига Ўзбекистон ССР қонунларини қўлланиш масалалари хусусида судларга раҳбарий тушунтиришлар бериш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги, халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг юстиция бўлимлари судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши принципига қатъий риоя қилган ҳолда суд вазифаларини амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари лозим.

3-боб

ОБЛАСТЬ СУДЛАРИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ

29-модда. **Область судини, Тошкент шаҳар судини сайлаш тартиби ва уларнинг ҳисобот бериб туриши**

Область суди, Тошкент шаҳар суди халқ депутатлари тегишли область, Тошкент шаҳар Совети томонидан раис, раис ўринбосарлари, суд аъзолари ва халқ маслаҳатчиларидан иборат составда беш йил муддатга сайланади.

Область судининг, Тошкент шаҳар судининг сон составини Ўзбекистон ССР юстиция министрининг тақдимига биноан халқ депутатлари тегишли область, Тошкент шаҳар Совети томонидан белгиланади.

Область суди, Тошкент шаҳар суди ўз заволати муддатида камида бир марта ўз фаолияти ҳақида халқ депутатлари тегишли Советига ҳисобот беради ва бу ҳақда унга мунтазам равишда доклад қилиб туради.

30-модда. **Область судининг, Тошкент шаҳар судининг составы**

Область суди, Тошкент шаҳар суди:

1) суд президиумидан;

2) гражданлик ишлари бўйича судлов коллегиясидан;

3) жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясидан иборат ҳайъатда иш олиб боради.

31-модда. **Область судининг, Тошкент шаҳар судининг заволати**

Область суди, Тошкент шаҳар суди:

ўз заволатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди тариқасида, кассацион тартибда, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

район (шаҳар) халқ судларининг судлов фаолияти устидан назорат қилиб боради, шунингдек суд практикасини ўрганади ва умумлаштиради, суд статистикасини анализ қилади;

қонунларда ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

32-модда. **Область судининг, Тошкент шаҳар судининг президиуми**

Область судининг, Тошкент шаҳар судининг президиуми раис, раис ўринбосарлари ва суд аъзоларидан иборат составда халқ депутатлари тегишли область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан тузилади.

Суд президиумининг ҳайъати область суди, Тошкент шаҳар суди раисининг тақдимига биноан халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

Суд ишларини кўриб чиқиш пайтида суд президиуми мажлисларида область, Тошкент шаҳар прокурорининг иштирок этиши мажбурийдир.

33-модда. **Область суди, Тошкент шаҳар суди президиумининг заволати**

Область судининг, Тошкент шаҳар судининг президиуми:

1) ишларни ўз заволатлари доирасида назорат тартибида ва гражданлик ишлари бўйича чиқарилган қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

2) область суди, Тошкент шаҳар суди раисининг тақдимига биноан судьялар орасидан гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ҳайъатини тасдиқлайди;

3) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда суд статистикасини анализ қилишга оид материалларни кўриб чиқади;

4) судлов коллегиялари раисларининг коллегиялар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади; суд аппарати ишларига оид масалаларни қараб чиқади;

5) қонунларни тўғри қўлланишда район (шаҳар) халқ судларига ёрдам кўрсатади, бу ишни халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юстиция бўлими фаолияти билан уйғунлаштириб боради;

6) қонунларда ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

34-модда. **Область суди, Тошкент шаҳар суди президиумининг иш тартиби**

Область суди, Тошкент шаҳар суди президиумининг мажлислари ойига камида икки марта ўтказилади. Президиум мажлиси президиум аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Область суди, Тошкент шаҳар суди президиумининг қарорлари овоз беришда қатнашган президиум аъзоларининг кўпчилиги очиқ овоз бериши йўли билан қабул қилинади.

Президиум қарорларига область судининг, Тошкент шаҳар судининг раиси имзо чекади.

35-модда. **Область судининг, Тошкент шаҳар судининг судлов коллегиялари**

Область судининг, Тошкент шаҳар судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси область суди, Тошкент шаҳар суди президиуми томонидан тегишли суднинг аъзолари орасидан тасдиқланади. Судлов коллегияларига суд раисининг ўринбосарлари бошчилик қилади.

Область судининг, Тошкент шаҳар судининг раиси зарур ҳолларда ишларни кўриб чиқмоқ учун ўз фармойиши билан бир коллегиядаги судьяларни иккинчи коллегиянинг составига жалб этиши мумкин.

36-модда. **Область суди, Тошкент шаҳар суди судлов коллегияларининг заволатлари**

Область суди, Тошкент шаҳар судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ўз заволатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди тариқасида, кассацион тартибда ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқадилар.

Судлов коллегиялари суд практикасини ўрганадилар ва умумлаштирадилар, суд статистикасини анализ қиладилар ва қонунларда ўзларига берилган бошқа заволатларни амалга оширадилар.

37-модда. **Область судининг, Тошкент шаҳар судининг раиси**

Область судининг, Тошкент шаҳар судининг раиси:

1) коллегияларнинг суд мажлисларида раислик қилиши мумкин;

2) судлов ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларга қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест келтиради;

3) гражданлик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари ва ажримларнинг ижросини қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тўхтатиб қўйишга ҳақлидир;

4) судлов коллегияларининг ишини ташкил этишга раҳбарлик қилади; тегишли область суди, Тошкент шаҳар суди аппаратининг ишига раҳбарлик қилади;

5) суд президиумини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

6) суд фаолияти тўғрисида ҳисобот беради ва бу ҳақда халқ депутатлари тегишли Советига доклад қилиб туради;

7) раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

8) суд аъзолари ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш ишини ташкил этади;

9) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статистикасини анализ қилиш ишларини уюштиради; қонун бузилганлиги фактини, ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитларни йўқотиш тўғрисида давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга тақдимномалар ҳавола этади;

10) шахсий қабул ишини олиб боради ва суднинг гражданларни қабул қилиш ҳамда тушган таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини уюштиради;

11) қонунларда ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

38-модда. **Область суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари**

Область суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари суднинг судлов коллегиялари раислари бўлиши билан бир қаторда:

1) ўзлари раҳбарлик қилаётган коллегияларнинг суд мажлисларида раислик қилишлари мумкин ёки бунинг учун суд аъзоларини тайинлайдилар;

2) ишларни коллегияларнинг судлов мажлисларида кўриб чиқмоқ учун суд ҳайъатларини тузадилар;

3) тегишли коллегияларнинг ишига раҳбарлик қиладилар;

4) область суди, Тошкент шаҳар суди президиумига коллегияларнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот берадилар;

5) вазифалар тақсимланишига мувофиқ суд аппарати структуравий бўлинмаларининг ишига раҳбарлик қиладилар;

6) гражданларни шахсан қабул қиладилар;

7) қонунларда ўзларига берилган бошқа заволатларни амалга оширадилар.

Область судининг, Тошкент шаҳар судининг раиси бўлмай қолган тақдирда, унинг ҳуқуқ ва вазифаларини у берган топшириғига биноан раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

4-боб

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СУДИ

39-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Суди —Қорақалпоғистон АССРнинг юқори суд органидир**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Қорақалпоғистон АССРнинг юқори суд органи ҳисобланиб, Қорақалпоғистон АССР район (шаҳар) халқ судларининг судлов фаолияти устидан ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда назорат қилиб туради.

40-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Судини сайлаш тартиби ва унинг ҳисобот бериб туриши**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан Раис, раис ўринбосарлари, Олий Суднинг аъзолари ва халқ маслаҳатчиларидан иборат составда беш йил муддатга сайланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг сон составини Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди ўз заволатлари муддатида камида бир марта Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ўз фаолияти ҳақида ҳисоб беради ва бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига мунтазам равишда доклад қилиб туради.

41-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг составы**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди:

1) Олий Суд президиумидан;

2) гражданлик ишлари бўйича судлов коллегиясидан;

3) жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясидан иборат ҳайъатда иш олиб боради.

42-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг заволати**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди:

ишларни ўз заволатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида, кассацион тартибда, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

район (шаҳар) халқ судларининг судлов фаолияти устидан назорат қилиб боради, шунингдек суд практикасини ўрганади ва умумлаштиради, суд статистикасини анализ қилади;

қонунларда ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон АССР Конституциясига мувофиқ, Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Қорақалпоғистон АССР Олий Советига қонун лойиҳалари тайёрлаб киритиш ҳуқуқига эгадир.

43-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг президиуми**

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг президиуми Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланадиган миқдорда раис, раис ўринбосарлари ва Олий Суд аъзоларидан иборат составда тузилади.

Олий Суд президиумининг состави Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланади.

Суд ишларини кўриб чиқиш пайтида Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг мажлисларида Қорақалпоғистон АССР прокурори иштирок этиши мажбурийдир.

44-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг заволати**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиуми:

1) ўз заволатлари доирасида ишларни назорат тартибида ва гражданлик ишлари бўйича чиқарилган қарорлар юзасидан янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

2) Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Олий Суднинг судьялари орасидан гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси составини тасдиқлайди;

3) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштиришга ҳамда суд статистикасини анализ қилишга доир материалларни кўриб чиқади;

4) суд коллегиялари раисларининг шу коллегиялар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди; суд аппаратининг ишига оид масалаларни қараб чиқади;

5) қонун лойиҳалари тайёрлаш ташаббуси билан чиқиш тартибида Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига тақдимномалар киритиш, автоном республика қонунларини шарҳлаб бериш тўғрисида эса Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига тақдимнома киритиш ҳусусидаги масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади;

6) қонунларни тўғри қўлланиш масаласида район (шаҳар) халқ судларига ёрдам кўрсатади, бу ишни Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги фаолияти билан уйғунлаштириб боради;

7) қонунларда ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

45-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг иш тартиби**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг мажлислари ойига камида икки марта ўтказилади.

Президиум мажлиси президиум аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг қарорлари овоз беришда қатнашувчи президиум аъзоларининг кўпчилиги очиқ овоз бериши йўли билан қабул қилинади.

Президиум қарорларига Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг Раиси имзо чекади.

46-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг судлов коллегиялари**

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси составини Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг президиуми томонидан Қорақалпоғистон АССР Олий Суди судьялари орасидан тасдиқланади.

Судлов коллегияларининг раислари Қорақалпоғистон АССР Олий Суди раисининг тақдимига биноан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан Олий Суд раисининг ўринбосарлари орасидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг раиси зарур ҳолларда ишларни кўриб чиқмоқ учун ўз фармойиши билан бир коллегиядаги судьяларни иккинчи коллегия составига жалб этиши ҳақидир.

47-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Суди судлов коллегияларининг заволатлари**

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ўз заволатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди тариқасида, кассацион тартибда ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

2) Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Олий Суднинг судьялари орасидан гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси раисларини ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси раисларини тасдиқлайди;

3) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда суд статистикасини анализ қилишга доир материалларни кўриб чиқади;

4) суд коллегиялари раисларининг шу коллегиялар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди; суд аппаратининг ишига оид масалаларни қараб чиқади;

5) қонун лойиҳалари тайёрлаш ташаббуси билан чиқиш тартибида Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига тақдимномалар киритиш, автоном республика қонунларини шарҳлаб бериш тўғрисида эса Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига тақдимнома киритиш ҳусусидаги масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади;

6) қонунларни тўғри қўлланиш масаласида район (шаҳар) халқ судларига ёрдам кўрсатади, бу ишни Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги фаолияти билан уйғунлаштириб боради;

7) қонунларда ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

45-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг иш тартиби**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг мажлислари ойига камида икки марта ўтказилади.

Президиум мажлиси президиум аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумининг қарорлари овоз беришда қатнашувчи президиум аъзоларининг кўпчилиги очиқ овоз бериши йўли билан қабул қилинади.

Президиум қарорларига Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг Раиси имзо чекади.

46-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг судлов коллегиялари**

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси составини Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг президиуми томонидан Қорақалпоғистон АССР Олий Суди судьялари орасидан тасдиқланади.

Судлов коллегияларининг раислари Қорақалпоғистон АССР Олий Суди раисининг тақдимига биноан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан Олий Суд раисининг ўринбосарлари орасидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг раиси зарур ҳолларда ишларни кўриб чиқмоқ учун ўз фармойиши билан бир коллегиядаги судьяларни иккинчи коллегия составига жалб этиши ҳақидир.

47-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Суди судлов коллегияларининг заволатлари**

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ўз заволатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди тариқасида, кассацион тартибда ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

2) Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Олий Суднинг судьялари орасидан гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси раисларини ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси раисларини тасдиқлайди;

3) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда суд статистикасини анализ қилишга доир материалларни кўриб чиқади;

4) суд коллегиялари раисларининг шу коллегиялар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди; суд аппаратининг ишига оид масалаларни қараб чиқади;

5) қонун лойиҳалари тайёрлаш ташаббуси билан чиқиш тартибида Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига тақдимномалар киритиш, автоном республика қонунларини шарҳлаб бериш тўғрисида эса Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига тақдимнома киритиш ҳусусидаги масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади;

6) қонунларни тўғри қўлланиш масаласида район (шаҳар) халқ судларига ёрдам кўрсатади, бу ишни Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги фаолияти билан уйғунлаштириб боради;

7) қонунларда ўзига берилган бошқа заволатларни амалга оширади.

48-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг Раиси**

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг Раиси:

1) коллегияларнинг судлов мажлисларида раислик қилиши мумкин;

2) судлов ишлари юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларга қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест келтиради;

3) гражданлик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари ва ажримларнинг ижросини қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тўхтатиб қўйишга ҳақлидир;

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУД ТУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

4) судлов коллегиялари ишини ташкил этишга раҳбарлик қилади; суд аппаратининг ишига раҳбарлик қилади;

5) Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумини чақириш ва унинг мажлисларида раислик қилади;

6) Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ҳисобот беради ва бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига доклад қилиб туради;

7) Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига Қорақалпоғистон АССР қонунларини шарҳлаб бериш талаб қилинадиган масалалар юзасидан тақдимнома киритади;

8) Олий Суд Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

9) суд аъзолари ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш ишини ташкил этади;

10) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статистикасини анализ қилишга доир ишларни уюштиради; қонун бузилганлиги фактини, ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишига йўл очган сабаблар ва шарт-шароитларни йўқотиш тўғрисида давлат органларига, жамоат ташкилотларига ва манфаатдор шахсларга тақдимномалар ҳавола этади;

11) шахсий қабул олиб боради ва гражданларни қабул қилиш ҳамда тушган таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш юзасидан суд ишларини уюштиради;

12) қонунларда ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

49-модда. **Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг ўринбосарлари**

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг ўринбосарлари Қорақалпоғистон АССР Олий Суди судлов коллегияларининг раислари бўлиш билан бир қаторда:

1) ўзлари раҳбарлик қилаётган коллегияларнинг судлов мажлисларида раислик қилишлари мумкин ёки бунинг учун суд аъзоларини тайинлайдилар;

2) ишларни коллегияларнинг судлов мажлисларида кўриб чиқмоқ учун суд ҳайъатларини тузадилар;

3) тегишли коллегияларнинг ишига раҳбарлик қиладилар;

4) Қорақалпоғистон АССР Олий Суди президиумига Қорақалпоғистон АССР қонунларини қўлланиш юзасидан келиб чиқадиган масалалар бўйича судларга раҳбарий тушунтирувлар беради. Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг раҳбарий тушунтирувлари шундай тушунтирув берилган қонунни қўлланувчи судлар, бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир;

5) вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ, Қорақалпоғистон АССР Олий Суди аппаратининг структуравий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

6) гражданларни шахсан қабул қиладилар;

7) қонунларда ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан:

Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг ўринбосарлари орасидан Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг раҳбарий тушунтирувларини қандай бажараётганликлари устидан контроль қилиб боради;

ўз ваколатлари доирасида СССР ва Ўзбекистон ССР нинг халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи масалаларни ҳал қилади;

қонунларда ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Суди Ўзбекистон ССР Олий Советига қонун лойиҳалари тайёрлаб киритиш ҳуқуқига эгадир.

55-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленуми**

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленуми Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси, Раис ўринбосарлари ва Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоларидан иборат ҳайъатда иш олиб боради;

Пленум мажлисларида Ўзбекистон ССР Прокурори ва Ўзбекистон ССР Юстиция министри қатнашадилар.

Ўзбекистон ССР Прокурорининг Пленум ишида иштирок этиши мажбурийдир.

Пленумнинг суд ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлмаган мажлисларида Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг таклифига биноан судьялар, Ўзбекистон ССР Олий Суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашининг аъзолари, министрликлар, давлат комитетлари, идоралар, илмий муассасалар ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

56-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг ваколати**

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленуми:

1) ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

2) суд практикасини ўрганиш ҳамда умумлаштириш доир материалларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Прокурори ва Ўзбекистон ССР Юстиция министри берган тақдимномаларни кўриб чиқади ҳамда республика қонунларини қўлланиш масалаларини юзасидан судларга раҳбарий тушунтирувлар беради; судларга раҳбарий тушунтирувлар бериш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш чоғида Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг, область судлари, Тошкент шаҳар суди раисларининг қонунларни қўлланиш борасидаги суд практикаси тўғрисида берган маълумотларини эшитади;

3) Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг тақдимномалари бўйича Ўзбекистон ССР Олий Судининг судьялар орасидан Ўзбекистон ССР Олий Суди судлов коллегияларининг составини ва Пленум секретарини тасдиқлайди;

4) Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон ССР Олий Суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашини тасдиқлайди;

5) қонун лойиҳалари тайёрлаш ташаббуси билан чиқиш тартибида Ўзбекистон ССР Олий Советига ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдимномалар киритиш, Ўзбекистон ССР қонуниларини шарҳлаб бериш тўғрисида эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдимнома киритиш масалаларини кўриб чиқади ва ҳал этади;

6) Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумининг иши тўғрисидаги ахборотларни ва Ўзбекистон ССР Олий Суди судлов коллегиялари раисларининг коллегиялар фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини эшитади;

7) Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР қонунларига ёки СССР Олий Суди Пленумининг қарорларига мувофиқ эмаслиги ҳақида мувофиқ эмаслиги ҳақида СССР Олий Судининг Раиси ва Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси берган тақдимномалари қараб чиқади;

8) қонунларда ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

57-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг иш тартиби**

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Пленумни чақириш вақти ва унинг муҳокамасига киритиладиган масалалар ҳақида Пленум аъзолари, Ўзбекистон ССР Прокурори ва Ўзбекистон ССР Юстиция министри мажлис бўлишидан кўпи билан ўн беш кун илгари хабардор қилинадилар.

Пленум қарорларининг лойиҳалари Пленум аъзоларига, Ўзбекистон ССР Прокурорига ва Ўзбекистон ССР Юстиция министрига мажлис бўлишидан кўпи билан ўн кун илгари юборилади.

Пленум мажлиси Пленум составининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади. Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг қарорлари овоз беришда қатнашувчи Пленум аъзоларининг кўпчилиги очиқ овоз бериши йўли билан қабул қилинади.

Пленум қарорларига Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси ва Пленум секретари имзо чекади.

Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг секретари Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси вазифасини бажариш билан бир қаторда Пленум мажлисларини тайёрлаш юзасидан ташкилий иш олиб боради, протокол юритилишини таъминлайди ва Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

58-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг судлов ишларини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларни кўриб чиқиши**

Судлов ишларини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган, лекин ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси, Ўзбекистон ССР Прокурори ёки Ўзбекистон ССР Юстиция министри томонидан Пленум муҳокамасига киритиладиган масалалар мазкур шахсларнинг докладлари ёки улар вакил қилиб юборган шахсларнинг докладлари бўйича эшитилади. Бунда Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси ёхуд Ўзбекистон ССР Юстиция министри томонидан Пленум муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Прокурори ўз хулосасини беради. Бу масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг мажлисига таклиф этилган шахслар ҳам қатнашишлари мумкин.

Раҳбарий тушунтирувлар берилган қарор лойиҳасини тайёрлаш учун Пленум зарур ҳолларда Пленум аъзолари орасидан редакцион комиссия тузади.

59-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Судининг президиуми**

Ўзбекистон ССР Олий Судининг президиуми Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси, Раис ўринбосарлари ва Олий Суд аъзоларидан иборат составда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми томонидан белгиланадиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумининг состави Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланади.

Суд ишларини кўриб чиқиш пайтида Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумининг мажлисларида Ўзбекистон ССР Прокурори ёки унинг ўринбосари қатнашиши мажбурийдир.

Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумининг мажлислари ойига камида бир марта ўтказилади.

Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумининг мажлислари президиум аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумининг қарорлари овоз беришда қатнашувчи президиум аъзоларининг кўпчилиги очиқ овоз бериши йўли билан қабул қилинади ва Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси томонидан имзоланади.

Президиумнинг судлов ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлмаган мажлисларида Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг таклифига биноан Ўзбекистон ССР юстиция министри, судьялар, илмий муассасалар ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

60-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумининг ваколати**

Ўзбекистон ССР Олий Суди президиуми:

1) ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

2) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статистикасини анализ қилиш материалларини кўриб чиқади;

3) Ўзбекистон ССР Олий Суди судлов коллегияларининг ва Олий Суд аппаратининг ишини ташкил қилишга оид масалаларни қараб чиқади;

4) қонунларни тўғри қўлланиш хусусида қуйи судларга ёрдам кўрсатади, бу ишни Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигининг судлияти билан уйғунлаштириб боради;

5) қонунларда ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

61-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Судининг судлов коллегиялари**

Ўзбекистон ССР Олий Судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси Ўзбекистон ССР Олий Судининг судьялари орасидан Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленуми томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси зарур ҳолларда ишларни кўриб чиқмоқ учун бир коллегиядаги судьяларни иккинчи коллегия составига жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

62-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Суди судлов коллегияларининг ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Олий Судининг гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди тариқасида, кассацион тартибда, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқадилар.

Судлов коллегиялари судлов практикасини ўрганадилар ва умумлаштирадилар, суд статистикасини анализ қиладилар ва қонунларда ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

63-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси**

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси:

1) судлов ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижросини қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест келтиради;

2) судлов ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижросини қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тўхтатиб қўйишга ҳақлидир;

3) суд практикасини ўрганиш ва умумлаштиришга ҳамда суд статистикасига доир ишларни уюштиради; қонун бузилганлиги фактини, ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишига йўл очган сабаблар ва шарт-шароитларни йўқотиш тўғрисида давлат органларига, жамоат ташкилотларига ва манфаатдор шахсларга тақдимномалар ҳавола этади, шунингдек ССР Олий Суди Пленумининг ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг раҳбарий тушунтирувлари қандай бажаришганлиги устидан контроль қилиб бориш ишини уюштиради ва Пленум муҳокамасига тегишли материаллар тақдим этади;

4) Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади.

5) Ўзбекистон ССР Олий Суди президиумини чақиради ва президиум муҳокамасига президиум ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни киритади; президиум мажлисларида раислик қилади; Ўзбекистон ССР Олий Суди коллегияларининг суд мажлисларида ҳар қандай ишни кўриб чиқиш чоғида раислик қилиши мумкин;

6) Ўзбекистон ССР Олий Судининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисобот беради ва бу ҳақда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига доклад қилиб туради;

7) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР қонунларини шарҳлаб бериш талаб қилинадиган масалалар юзасидан тақдимномалар киритади;

8) Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленумига Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумининг раҳбарий тушунтирувлари ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига ёки ССР Олий Суди Пленумининг қарорларига мувофиқ эмаслиги ҳақида тақдимномалар киритади, Ўзбекистон ССР Олий Судининг Пленуми бу тақдимномаларни рад этган тақдирда эса, башарти Пленумнинг раҳбарий тушунтирувлари ССР Иттифоқи қонунларига ёки СССР Олий Суди Пленумининг қарорларига мувофиқ келмаса, СССР Олий Судининг Раисига тақдимнома киритади ёхуд, агарда Пленумнинг раҳбарий тушунтируви Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ келмаса, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумига тақдимнома киритади;

9) Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

10) судлов коллегияларининг ишини ташкил этишга раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ССР Олий Суди аппаратининг ишига раҳбарлик қилади;

11) шахсий қабул олиб боради ва гражданларни қабул қилиш ҳамда тушган таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш юзасидан суд ишларини уюштиради;

12) қонунларда ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

64-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг ўринбосарлари**

Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг ўринбосарлари:

1) Ўзбекистон ССР Олий Суди коллегияларининг судлов мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

2) судлов ишлари юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижросини қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест келтирадилар;

3) Ўзбекистон ССР судлари гражданлик ишлари юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тўхтатиб қўйишга ҳақлидирлар;

4) вазифалар тақсимланишига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Суди аппаратининг структуравий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

5) гражданларни шахсан қабул қиладилар;

6) қонунларда ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси бўлмай қолган тақдирда унинг ҳуқуқ ва вазифаларини Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар бўлмай қолган тақдирда эса, унинг ҳуқуқ ва вазифаларини Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг ўринбосари амалга оширади.

65-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Суди судлов коллегияларининг раислари**

Ўзбекистон ССР Олий Суди гражданлик ишлари бўйича судлов коллегиясининг ва жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг раислари:

1) ўзлари раҳбарлик қилаётган коллегияларнинг судлов мажлисларида раислик қиладилар ёки бунинг учун суд аъзоларини тайинлайдилар;

2) ишларни коллегияларнинг судлов мажлисларида кўриб чиқмоқ учун суд ҳайъатларини тузадилар;

3) тегишли коллегияларнинг ишига раҳбарлик қиладилар;

4) Ўзбекистон ССР Олий Суди Пленумига коллегияларнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот топширадилар;

5) суд практикасини ўрганиб чиқиш ва умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олишга ҳақлидирлар;

6) тегишли судлов коллегияси суд аъзоларининг малакасини ошириш ишини уюштирадилар;

7) қонунларда ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

66-модда. **Ўзбекистон ССР Олий Судининг Бюллетени**

Ўзбекистон ССР Олий Суди «Ўзбекистон ССР Олий Судининг Бюллетени»ни чиқаради.

III БЎЛИМ
СУДЬЯЛАР ВА ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ

67-модда. **Судьялар ва халқ маслаҳатчиларига номзодларга нисбатан қўйиладиган талаблар**

Ўзбекистон ССРнинг сайлов кунигача 25 ёшга тўлган ҳар бир граждани судья ва халқ маслаҳатчиси қилиб сайланиши мумкин.

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари Ўзбекистон ССР территориясида Ўзбекистон ССР гражданлари билан тенг асосда судья ва халқ маслаҳатчилари қилиб сайланишлари мумкин.

68-модда. **Халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифаларини бажариши учун чақириладиган муддат**

Халқ маслаҳатчилари судларга ўз вазифаларини бажариши учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақириладилар, уларнинг иштирокида бошланган судлов ишини кўриб чиқишни тугаллаш зарурати туғилганида бу муддатни узайтириш ҳоллари бундан мустаснодир.

69-модда. **Халқ маслаҳатчиларининг судда ўз вазифаларини бажариши вақтида ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши**

Ишчи, колхозчи ва хизматчилар орасидан сайланган халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифаларини бажариши вақтида уларнинг доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Ишчи, колхозчи ва хизматчи ҳисобланмаган халқ маслаҳатчиларига уларнинг судда ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлган харажатлар тўланади. Бу харажатларни тўлаш тартиби ва уларнинг миқдори Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланади.

70-модда. **Судьялар ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш**

Ўзбекистон ССР судларининг судьялари ва халқ маслаҳатчилари сайловчиларнинг ёки ўзларини сайлаган органнинг чақириви билан ёхуд улар хусусида суд ҳукми чиқарилганлиги муносабати билан ўз заколатларидан муддатидан илгари маҳрум этилишлари мумкин.

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни билан белгиланади.

Область суди, Тошкент шаҳар суди раиси, раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети томонидан чақириб олинишлари мумкин.

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг Раиси, Раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан чақириб олинишлари мумкин, бунда шу муносабат билан чиқарилган фармон кейинчалик Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилиши шарт.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси, Раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан чақириб олинишлари мумкин, бунда шу муносабат билан чиқарилган фармон кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилиши шарт.

Область суди, Тошкент шаҳар суди раиси, раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети томонидан чақириб олинишлари мумкин.

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг Раиси, Раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан чақириб олинишлари мумкин, бунда шу муносабат билан чиқарилган фармон кейинчалик Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилиши шарт.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси, Раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан чақириб олинишлари мумкин, бунда шу муносабат билан чиқарилган фармон кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилиши шарт.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси, Раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан муддатидан илгари озод қилинишлари мумкин, бунда шу муносабат билан чиқарилган фармон кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилиши шарт.

72-модда. **Ўрни бўш қолган судьялар ва халқ маслаҳатчиларини ўрнига сайлов ўтказиш**

Ўзбекистон ССР судларининг айрим судьялари ва халқ маслаҳатчилари составдан чиқиб қолганлари тақдирда, қолган ваколат муддатига янги судьялар ва халқ маслаҳатчилари сайлови ўтказилади.

Ўрни бўш қолган судьялар ва халқ маслаҳатчилари ўрнига Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Область суди ва Тошкент шаҳар судининг ўрни бўш қолган раиси, раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети томонидан амалга оширилади.

Ўрни бўш қолган Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисини, Раис ўринбосарларини, аъзолари ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан, унинг сессиялари ўртасидаги даврда эса Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми томонидан муддатидан илгари озод қилинишлари мумкин, бунда шу муносабат билан чиқарилган фармон кейинчалик Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилиши шарт.

73-модда. **Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг дахлсизлиги**

Судьялар, шунингдек халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифаларини бажариб турганларида жиноий жавобгарликка тортилишлари, қамоққа олинишлари ёки уларга суд йўли билан маъмурий жазо чоралари берилиши мумкин эмас. Бунда:

1) район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари, область судларининг, Тошкент шаҳар судининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг раислари, раис ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчилари — Ўзбекистон ССР Олий Советининг розилигисиз, унинг сессиялари ўртасидаги даврда эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг розилиги бўлмай туриб жиноий жавобгарликка тортилишлари, қамоққа олинишлари ёки суд йўли билан маъмурий жазо чораларига тортилишлари мумкин эмас.

74-модда. **Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги**

Ўзбекистон ССР судларининг судьялари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон ССР судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган тартибда интизомий жавобгарликка тортиладилар.

IV БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОН ССР СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БОШҚА МАСАЛАЛАРИ

75-модда. **Суд ижрочилари**

Гражданлик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижроси, мулкий даъволар ҳақидаги жиноий ишлар юзасидан чиқарилган ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг, шунингдек қонунда кўзда тутилган ҳолларда бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг ижроси суд ижрочилари томонидан бажарилади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди аппаратининг структураси Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР юстиция министри томонидан тасдиқланади.

Суд практикасини ўрганиш, умумлаштириш ва суд статистикасини анализ қилиш, совет қонунларини системалаштириш ва пропаганда қилиш ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Судининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларини бажаришга доир ишларни олиб бориш учун Ўзбекистон ССР Олий Судининг аппарати составида бўлимлар ва бошқа структуравий бўлинмалар тузилади. Ўзбекистон ССР Олий Судининг судлов коллегиялари ва бўлимларида катта консультантлар, консультантлар, шунингдек бошқа хизматчилар ва кичик хизмат ходимлари иш олиб боради.

Ўзбекистон ССР Олий Суди аппаратининг структураси Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Суди аппаратининг структураси Қорақалпоғистон АССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР юстиция министри томонидан тасдиқланади.

Суд практикасини ўрганиш, умумлаштириш ва суд статистикасини анализ қилиш, совет қонунларини системалаштириш ва пропаганда қилиш ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Судининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларини бажаришга доир ишларни олиб бориш учун Ўзбекистон ССР Олий Судининг аппарати составида бўлимлар ва бошқа структуравий бўлинмалар тузилади. Ўзбекистон ССР Олий Судининг судлов коллегиялари ва бўлимларида катта консультантлар, консультантлар, шунингдек бошқа хизматчилар ва кичик хизмат ходимлари иш олиб боради.

Ўзбекистон ССР Олий Суди аппаратининг структураси Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг штат жадвали, бўлимлар ва бошқа структуравий бўлинмалари тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон ССР Олий Судининг Раиси томонидан тасдиқланади.

78-модда. **Ўзбекистон ССР судларининг печатлари**

Ўзбекистон ССР Олий Суди, Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг, область судларининг, Тошкент шаҳар судининг, район (шаҳар) халқ судларининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган печати бўлади.


Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1981 йил 27 ноябрь.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА ЗАРБДОР ХАФТА

СЎНМАС ЖАСОРАТ



Шу кунларда халқимиз Москва остоналаридаги жангнинг 40 йиллигини нишонламоқда. Республикамизда ҳам ана шу санага бағишланган ҳафталик давом этмоқда. Москва мудофаачиларининг ўлмас жасоратига бағишланган кечалар, пойтахт ҳимоячилари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Чиндан ҳам Москва остоналаридаги ҳар қарич ер пойтахт учун жанг қилган совет солдатининг жасорати ҳақида сўзлайди. Улуғ Ватан урушн шарафига Москва областида 900 дан ортиқ ёдгорлик барпо этилган. Яқинда машҳур Панфилов дивизиясининг 11 сапёр қаҳрамони хотирасига бағишланган ёдгорлик қад кўтарди.

1941 йил 18 ноябрда улар 20 та фашист танки ва пиёда аскарлар батальони билан тенгсиз жангга кириб полкнинг асосий кучлари янги марраларини эгаллагунча рақиб йўлида қалқон бўлдилар. Сапёрлар ҳалок бўлдилар. Лекин пойтахт томон ошиқаётган рақиб тўхтатиб қўйилди. Волоколамск шоссесининг 114 километрида 31 октябрь куни ана шу жасоратни абадийлаштириш учун ёдгорлик тантанали равишда очилди. Суратда: ёдгорликни очиш маросими.

А. Семехин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҲАМИША СОВЕТ ХАРАКТЕРИ БЎЛГАНИДЕК ЯХШИ

ОҚ ДАЛАДАГИ ЖАСОРАТГА ХОТИМА

Ўзбекистон меҳнатчилари бу йил 6 миллион тонна пахта тайёрладилар.

Шу сўзларни ёзиб қўйдим-у, ўйланиб қолдим. Олти миллион. Фақат пландагина эмас, балки мажбуриятда кўзда тутилганидан ҳам кўп. Қимматли хом ашёнинг асосий ишлаб чиқарувчиси — Ўзбекистон пахта тайёрлашни йил сайин кўпайтираётганлигига биз аллақачон кўникиб қолдик. Мустаҳкам, бир маромда, орқага кетишларсиз кўпайтирмоқдалар. Бир неча ўн йиллардан буён ўзбек пахта усталарининг муваффақиятларини синчиклаб кузатиб келяпман. Бу ҳароратли, ҳосилдор заминда тез-тез бўлиб тураман. Ҳар гал пахтакорларнинг меҳнатидан ҳайратланиш ва қойил қолиш туйғулари вужудимни қамраб олади. Пахтакорлар бир миллионлик маррани эгаллашни ўзларига мақсад қилиб қўйган йилларни эслайман. Кейин бу довондан ошиб, иккинчи миллионни, ундан сўнг учинчи, тўртинчи миллионларни забт қила бошлашди. Миллионлаб тонналар. Ахир пахта чаноғидан териб олинган оппоқ момиқ тола вазнсиздек туюлади, у мўъжазгина паға булутга ўхшайди. Тонналар тарозига қўйилиши учун ана шундай чаноқлардан қанчасини териб олиш керак! Унгача ерни кунт билан ҳайдаш ва бороналаб текислаш, тупроқни тузлардан тозалаб ювиш, экиш, кўп маротаба суғориш ва қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, пахта касалликлари ва зараркўнандаларига қарши курашиш, машина терими олдидан эса яна тўқа тупларидан баргни тўкиш керак. Айтайлик, оппоқ бу мўъжизага йигирув-тўқув фабрикасига етиб келгунича бўлган ишларни ҳамма ҳам етарли даражада яхши тасаввур қила олмайди деб ўйлайман. Жазирама қуёш остида мана шу толага қандай меҳнат сарфланганини билиб, тасаввур қилганларидан сўнг, улар бу мўъжизани яратаётган кишиларни муносиб тақдирлашлари шубҳасиз.

Бугун пахтакорларни биз-лар ҳам шарафламоқдамиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон меҳнатчиларига табригида олти миллион тонна пахта тайёрланганлигини мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшилган йирик ҳисса, мисли кўрилмаган галаба сифатида баҳолади. Бу, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, колхозчилар ва совхоз ходимлари, мутахассислар ва олимлар фидокорона меҳнатининг, қишлоқ хўжалик ходимлари ва шаҳар меҳнаткашлари қалин ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг натижаси, давлат сотиб оладиган деҳқончиликни ривожлантиришга сарфлаётган муттасил ўсиб бораётган маблағларидан, механизация ва химизация имкониятларидан моҳирона фойдаланиш, кадрлар маҳоратини ошириш самарасидир. Бу партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг фаол ва собитқадам ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасидир.

Шундай қилиб, олти миллион тонна пахта. Уни жисман қандай тасаввур қилиш мумкин? Эҳтимол шундай киёслаш қандайдир тасаввур бериши мумкин: агар ана шу хом ашёнинг ҳаммаси вагонларга юкланса, афтидан состав Тошкентдан Москвагача ва ҳатто ундан ҳам олисроққа чўзилиб кетган бўлур эди. Шунча пахтани жаҳонининг бир нечта мамлакатигина йигиб-териб олади. Қиёслаш учун қуйидаги жадвални келтираман:

1980 йилда пахта (тола) ишлаб чиқариш (минг тонна)

Ўзбекистон	1.817
Ҳиндистон	1.400
Покистон	700
Миср	530
Туркия	460
Мексика	340

Оламон пойга нималигини биласизми? От пойгасини ўзбеклар шундай деб аташади. Олдинга учиб бораётган чавандозлар оқимини тўхтатиб кўринг-а. Анча илгари, урушдан олдинги йиллардаёқ Ўзбекистон ўз пахта пойгасини қандай бошлаганлигининг гувоҳи бўлганман. Ўша кунларда чиққан газета сарлавҳалари эсимда: «Мамлакатга пахта мустақиллиги учун курашайлик!» Пахта мамлакатга дон ва пўлатдек, ҳаводек зарур эди. Юқорида мен бир миллионлик маррани эслаб ўтдим. Бироқ «Мамлакатга уч юз минг тонна пахта берамиз!» шиорини ҳам яхши эслайман. Республика пахта далаларидаги ўша унутилмас «оламон пойга» мана шундай даражадан бошланган эди. Ҳаёл мени яна Ўзбекистон, образли қилиб айтсак, эндигина ўз чаңқағини қондираётган, эндиликда чинакам афсонага айланиб қолган ўша кезларга беихтиёр олиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон бу ерда ҳаёт асосининг асоси — ирригация қурилишини эндигина авж олдираётган эди.

Маълумки, В. И. Ленин танишиб чиққан биринчи кенг кўламли ва умуман тугалланган хўжалик плани илғор рус ирригаторлари томонидан ишлаб чиқилган Туркистонда суғориш ишлари лойиҳаси бўлган эди. 1918 йил 17 майда Ленининг суғориш тўғрисидаги машҳур Декрети пайдо бўлди.

Ўша лойиҳа Мирзачўлни ўзлаштириш билан бирга унинг ўнг томонида Далварзин канали қурилишини ҳам кўзда тутарди. Кўп вақт ўтмай, ўша пайтда комсомол матбуотининг энди иш бошлаган ходими — менга Тожикистондаги «Вахшстрой»га ёзувчи Бруно Ясенскийни кузатиб бориш топширилди. Вахш каналига киёслаганда, ўшанда у эндигина кўзга ташлана бошлаган эди, мен яхши билган Далварзин канали мўъжазгина бўлиб туюларди. Ёзувчи Вахшдаги қурилиш тўғрисида, эски ҳаёт тарзини бузиб, янгисини барпо этиш тўғрисида «Инсон қиёфасини ўзгартиради» романини ёзди. Ҳориждаги бошқа баъзи бировларда Вахш бизнинг воқелигимизга қарашларини алланечаон ўзгартира бошлаган эди.

Бундан бир мунча илгари ирригация бўйича Америка эксперти Л. Гордон Вахш суғориш системаси қурилишининг плани билан таништирган, жуда лол қолиб, совет инженер-ирригаторларига, аслида эса бизнинг жамиятимизга қаратилган мана бу сўзларни у айтган эди: «Сизлар улкан ҳаёлпарастлар, талантли фантазиячиларсиз!.. Мен Калифорния олтин қидирувчиларини кўрганман, мен ҳар бири Сисон бўлишни орзу қилган примус ихтирочиларини биламан, мен дарвозининг марокли романисти Герберт Уэллс билан суҳбатлашганман. Дўстларим, уларнинг планлари дадил ва хайратланарли эди, бироқ сизлар Вахшда мўлжаллаётган нарсангиз уларникидан анча юқори. Мен инсоният бундай шароитларда бунақанги ишларни ҳеч қачон қилмаган деб кафолат бераман. Кечиразисилар-у, менга булар рўёбга чиқмайдигандек туюлмоқда».

Орадан бор-йўғи етти йил ўтгач, журналист сўқмоқлари мени Катта Фарғона қанали қурилишига олиб келди. Карнай садолари даъвати билан оёққа турган Фарғона водийсининг 175 минг колхозчиси ўз қишлоғидан йўлга чиқиб, бу қурилишга отланганлиги мамлакатда ва чет элларда қандай умумий ҳайрат уйғотганини ва бу хабар қандай сифатлар билан таърифланганлигини кўплар яхши эслайди. Улар инженерлар қўйиб кетган белгилар бўйича Учқўрғон адирларидан Норин суви оқизиладиган Қорадарёгача, Қорадарёдан — бутун Фарғона водийси бўйлаб жойлашиб олишди. Бу илк халқ қурилишларидан бири эди. Одамлар қирқ беш кун ичида кетмон ва белкураклар билан икки юз километрдан узунроқ канални қазиб бўлишди. Канал кўз ўнгимда тугилди ва мен бу канал билан қиёслаганда ўша Вахш канали анча мўъжаз деб ўйлагандим.

Шу кузда Фарғона водийсини айланиб юриб Қўқон яқинида шу каналга қурилган кўприкда тўхтадим. Қўқон водийнинг ғарб чеккаси, каналнинг этаги. Бироқ, унинг ўзани ўша узоқ йилларда бош томондагидек кенг эканлигини кўрдим. Урушдан кейин уни деярли тенг баравар кенгайтиришди, бетонлашди, бошқаришни автоматлаштиришди. Яна ўшанда у қанчалик кичик ва ҳозир қанчалик катта бўлганлиги ҳақида ўйлаб кетдим! Чунки бу канал ирригация ҳисоби бўйича аллақачон бошқа каналларни, бошқа суғориш системаларини ўзидан олдинга ўтказиб юборди.

Ўзбекистон ирригацияси харитаси олдида бироз тўхтаймиз, хаёлга бериламиз. Катта Фарғона канали бўйлаб худди шунга ўхшаш Жанубий ва Шимолий Фарғона, Катта Андижон каналлари чўзилиб кетган. Сирдарё районида. Далварзин канали (бу каналнинг бош қисми ҳозир сунъий денгиз тубида қолган) бошланадиган жойда, Фарҳод тоғи этагида Фарҳод ГЭСидан А. А. Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали бошланиб, Мирзачўл бағрига сеҳргардай кириб боради. Бу каналнинг сув ўтказиш қуввати тарихий Катта Фарғона каналиникидан деярли икки баравар кўп. Канал ғарб сари чўзилиб, Қизилқум бағрига кириб боради ва мана шу беқиёс кенглик — илгари қақраб ётган ерлар, қумликлар, шўрхок тақирлар ўзлаштирилиб, чексиз далаларга, йўлларга, шаҳарларга айланди. Бу ерда тоғлар ҳам — оппоқ, пахта тоғлари ҳам пайдо бўлди. Ахир аллигинчи йилларнинг бошларида, бу иш эндигина бошланаётган чоғларда баъзи бировлар шубҳа қилганди: уддасидан чиқса бўладиган ишми ўзи? Кўриб турибмизки, уддасидан чиқиш мумкин, ўша режалар ҳақиқатга айланди. Мирзачўл бутун жаҳон ирригацияси тарихини бир погона юқори кўтарди. Аслида, Мирзачўлнинг марказига эндигина штурм бошланган пайтда муаллифлари — олимлар, инженерлар, партия ходимлари ва оддий мирободларни тўла ҳуқуқ билан давримизнинг энг маҳоқли романистлари деб аташ мумкин бўлган фикрлар пайдо бўлди. Асрлар бўйи Зарафшоннинг қолган-кутган сувидангина баҳра олиб турган Бухоро воҳаси Амударёдан сув ола бошлади. Дарё сувини насослар билан кўтариб, Жанубий Қизилқумни кесиб ўтган улкан канал орқали воҳанинг юқори қисмига узатиб беришди. Илгари Зарафшон суви Амударёга қуйиларди. Энди Амударё Зарафшонга оқяпти.

Бироқ, бу бор-йўғи бош репетиция эди, холос. Бухоро сув кўтаргичидан 200 километр нарида Амударёнинг юқори қисмида ноёб насос станциялари тизмаси қурила бошланди. Сув олти босқичга кўтарилиб, Қарши чўлига оқизилди. Бу олти насос станцияси ДнепроГЭС урушдан олдин ишлаб берганига тенг электр қуввати талаб қилади. Мирзачўлнинг мана шу сингариси бағрида боғлар, галлазорлар, пахта майдонлари пайдо бўлди, шаҳарлар вужудга келди. Яқин келажакда Қарши чўли мамлакатда нигичка толали пахта етиштирувчи йирик районга айланади.

«Мелиорациянинг кенг кўламда ривожлантирилиши қишлоқ хўжалигимизнинг келажагидир». Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзлари ҳаракат программаси бўлиб қолди. Давлат ирригациялашга ажратаётган улкан маблағлар ва партиянинг уни ривожлантириш тўғрисида муттасил гамхўрлиги янги ерларни ўзлаштиришга юксак маром ва мисли кўрилмаган кўлам бағишлади. Фақат Ўзбекистондагина ҳар йили 100 минг гектарча ер хўжалик оборотига киритилмоқда. Амалда сўнгги 50 йил мобайнида бу ерда ўлкада ирригация иши пайдо бўлганидан буён ўтган уч минг йилда ўзлаштирилганидан кўпроқ ер ўзлаштирилди. Бу бизнинг давримизда бунёд этилган гоят гигант ёдгорликдир.

Ирригация арифметикаси ҳам бугун ҳали яқинигинада хаёлийдек туюлган рақамлар билан гапирмоқда. Фақат Ўзбекистондагина йирик магистрал ва хўжаликлараро каналлар деярли 20 минг километрга чўзилиб кетган. Суғориш тармоқларининг жами узунлиги эса қуррамиз экваторини икки ярим марта қуршаб олишга етади. Ўрта Осиё сунъий денгизларида суғориш учун 30 миллиард кубометрдан кўпроқ сув йиғилади. Космосдан олинган суратларда каналлар ва сув омборлари Амударё, Сирдарё, Орол денгизи, Олой ва Помир тоғлари каби аниқ кўриниб туради. Шу нарса рамзийки, янги дунёни барпо этишнинг улуғвор коммунистик программасидан илҳомланган озод инсоннинг озод меҳнати бугун ўз тарихий вазифасига кўра мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилди.

Ўзбекистонга бу галги сафарим чоғида ҳам яна Фарғона водийсига, машҳур Катта Фарғона каналига боргим келаверди. Одамлар бу каналдан ҳамиша миннатдордирлар. Чунки канал бу томонларга ҳаёт олиб келди. Биз икки четида тут дарахтлари ва мирзатераклар ўсиб турган равон йўл бўйлаб бордик. Тоғлардан салқин эсиб турибди. У ерда — юқорида абадий қор туради. Кўркам қишлоқларни бағрига олган Шоҳимардонда ёқимли тутун аниқ турибди. Кеч кириб бораётган эди. Одамлар иш кунини тугатиб, кечки овқат тайёрлашаётган эди. Қишлоқ номи ҳали деҳқонлар ёппасига чор атрофи баланд деворлар билан ўраб олинган кулбаларда истиқомат қилган қадимги вақтлардан қолган. Энди деҳқонларнинг уйларига қарайсан-у, кўнглинг ёришиб кетади. Гиштин уйлар кенг, ёруғ, кўзни қувонтириб турибди. Замондош деҳқонлар кўнглидек очиқ уйлар. Яна ҳаёлот мени ўша олис кезларга, канал қурилаётган пайтларга, тиним билмас, ҳориб чарчамас бир киши, ҳали анча ёш Усмон Юсупов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ерни қўлда қазиб, тупроқни елкасида четга чиқариб ташлаётган одамларнинг руҳини кўтарган паллаларга олиб кетди. У одамларни руҳлантира олар, уларда ғайрат-шижоат уйғота олар, ўзи ҳам ғайратбахш эди. У ўшанда юпун кийинган бу деҳқонларга сув сизга янги ҳаёт олиб келади, сизларга ҳамма нарсани — яхши уй-жойни ҳам, тўкин-сочинликни ҳам ато этади, дерди... Ҳар бир деҳқон хонадонида аллақачон тўкин-сочинлик бошланган. Одамлар ҳам Усмон акани ёдда сақлашади, эъзозлаб эслашади. Мен канал қирғоқларида унинг портретларини кўрдим, унинг хотирасига музей қурилган, у халқнинг мана шу хотирасига муносиб.

Биз Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳамдам Умаров билан чой ичмоқдамиз, мавжланиб оқаётган каналга завқланиб тикиламиз. Боғлар ҳосили териб олингандан сўнг бамисоли дам олаётганга ўхшайди.

— Кўнгил тўлмаслик, афтидан, инсонга хос, — дейди секретарь. — Ўзидан, қилинган ишларидан мана шу қаноатланмаслик туйғуси ҳам яхши ҳаракатлантирувчи куч. Мана қаранг. Кўл меҳнати ўтмишга кетяпти. Аслини олганда ўтмиш бўлиб қолди. Энди қўлимизда қандай бой техника бор. Кетмонга эмас, машинага таянамиз. Кўнглимиз эса нотинч. Биз томонларда пахта майдонлари чоғроқ; улар суғориш тармоқлари, тут қаторлари билан бўлиб ташланган. Техникага кенглик бўлиши, кенг ерларда ундан тўла қувват билан фойдаланиш ва ҳозир биз гектарларидан олаётганимиздан кўпроқ самара олиш учун катта карталар зарур. Ҳозир биз ана шу ташвиш билан яшаяпмиз ва албатта кўзларган нарсамизга эришамиз, олдинга қараб борамиз. Яна хўжаликни юритишнинг иқтисодий натижалари, пахта сифатини яхшилаш тўғрисида ҳам қайгурмоқдамиз.

Қаранг-а, дейди секретарь, бу ерда ер қанчалик серҳосил. Юзаки қараганда кўзга ташланмайди, саргимтир, бироқ бу соз тупроқ ахир. У юқори ҳосил беради. Фақат меҳнатингни аямасанг, яхшилаб суғорсанг бўлгани...

Кеч кўз. Ўзбекистонда ажойиб палла. Терим палласи-ни тугатган кишилар энди шийпонда — ариқ устига тўшалган чорпоядаги гиламда ўтириб, шошилмай чой хўплашлари, сув юзасига эгилган сербарг мажнунтолга завқланиб тикилишлари бу ерда ҳатто янги йилгача очилиб турадиган атиргуллардай баҳра олишлари мумкин. Шу ерда икки кишининг қучоғига аранг сигадиган баҳайбат чинорлар соя ташлаб турибди.

Биз томонга бир отлиқ келаётганини кўриб турибмиз. Оқ от кўкрак кериб, ёлини силкитиб кўяди. Эгар остига четларига духоба тутилган қизил гулдор тўқим тўшалган. Чавандоз аланг қават тўн кийиб олган. Бошида янгигина чуст дўпписининг оқ нақшин гули кўзга ташланиб турибди, чавандозинг кўкрагида — пахтанинг оппоқ гули. Шундайгина сезилиб турибди, бу одамнинг кайфияти соз, кўнгляпти. Нима тўғрисида? Ҳа, эҳтимол теварак-атрофида кўриб турганларя, унинг кўнглини хушхол этаётган нарсалар тўғрисида куйлаётгандир.

У бизга яқинлашди, одат бўйича қўлини кўксига қўйиб:

— Салом, азизлар, саломатмисиз, — деди.

— Саломат бўл, йигит, — жавоб берди ооком секретари ва ҳайратланиб деди: — Ия, ахир бу Қиножони? Қаёққа отландинг-а?

Чавандоз дарҳол жавоб бермади.

— Тушунарли, — қулимсиради Умаров. — Бизнинг энг яхши механизаторимиз. Юз от кучини биттасига алмаштиришга аҳд қилибди-да?

— Қайлигим ёнига боряпман, — деди ниҳоят Қиножон. — Агар унинг уйига тракторда борсам, мени тўғри тушунмасликлари мумкин.

Йигитнинг сўзларини эшитиб турган ҳамма кишилар кулиб юборишди. У қамчи тутган қўлини юқори кўтариб қўйди-да, отнинг ялригига уриб, елдириб кетди.

— Куз, — деди секретарь, — халқ сайллари, тўй палласи. Биз ҳам областимизда анъана бўйича пахта байрамини нишонлаймиз. Ҳосил байрами!

Нима ҳам дейиш мумкин, иш қилинди, улуғ иш қилинди — энди сайл қилиш ҳам мумкин. Қандай улкан, ғайри табиий меҳнат орқада. Енгил, момиқдек пахта ҳеч қачон осон етиштирилмаган. Халқ хурсанд бўлмаслиги, қувонмаслиги мумкинми: муҳим марра эгалланди ва одамларнинг кўп миллатли оиласи — бу ерда дўстона оилада яшаётган ўзбеклар, руслар, татарлар, корейслар, украинлар ва бошқа миллатларнинг вакиллари — ўзларининг кундалик ташвишлари билан бўлиб, юксак категорияларни ўйламайдиган, бироқ жасоратни ҳаёт нормасига айлантирган кишилар энди ўнг-сўлга қараб, ўз жасоратларидан ҳайратланишлари мумкин. Улар учун пахта — фаровонлик, бахт-саодат. Пахта — эндиликда маданият ва фан, назм ва наво демакдир.

«Ҳамиша бўлганидек, Ўзбекистон пахтакорлари... яхши ишладилар». КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган ноябрь Пленумида Леонид Ильич Брежнев шундай деди. Ҳамиша бўлганидек... Мана шу сўзлар замирида биз меҳнат жасорати деб атаётган мазмун яшириниб ётибди. Бу меҳнат жасорати ҳам мунтазамдир. У нормага айланган.

П. АЛЕКСЕЕВ,
Тошкент — Фарғона.
(«Известия», 29 ноябрь).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.15 — Время. 9.55 — Гимнастика. 10.20 — Кутишга вақтимиз йўқ. Бадиий фильм. 11.35 — Ҳайвонот оламида. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 16.55 — Музикали программа. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Концерт. 20.35 — Кичик ер. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 1-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. ЦСКА — Динамо (М). 24.00 — Дунё воқеалари. 00.15 — Хоккей. Сокол — Спартак.

МОСКВА-IV. 9.15 — Время. 10.05, 12.05 ва 17.30 — Француз тили. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Химия. 11.25 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 — Физика. 13.10 ва 17.00 — Шахмат мактаби. 14.10 — Р. Роллан. Ҳаёти ва ижоди. 14.50 — Ўқитувчи экрани. 15.20 — Тарих. 15.55 — «Ревизор». 16.40 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — И. Соколов-Микитов. Ҳаёти ва ижоди. 20.15 — Қишлоқ янгиликлари. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.35 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Адабиёт. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Адабиёт. 13.00 — Е. Самандар. Виждон. Телетеатр. 17.50 — Сўз кетидан сўз келар. 18.10 — Миллионлар ленинча университети. 18.30 — Ўсмир ва қонун. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Пахтакорларнинг қишки юмушлари. 19.30 — Концерт. 20.10 — Ахборот. 20.35 — Москва. Кичик ер. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Л. И. Брежнев китоби асосида. 1-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Физика. 19.15 — Фильм-портрет. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Лирик концерт. 9.35 — Халқ талантлари куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Илғор тажриба маршрутлари бўйлаб. 14.00 — Республиканинг теплица хўжаликларида. 18.15 — Ешлик. 19.25 — Экран куйлари. 21.00 — Л. И. Брежнев. «Кичик ер». СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов ўқийди. 22.30 — Ўзбек Давлат телевидениеси ва радиоси этнографик ансамбли ижро этади. 23.15 — Дам олиш концерти.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

228-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

саноат ускуналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь-сантехник, электромонтер, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматиканинг токари ва слесари.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ой.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 80 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш фаолияти даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎҚУВ ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА КЎРА БОШЛАНАДИ.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 19-алоқа бўлими, Собир Раҳимов райони, Собир Раҳимов кўчаси, 313-уй.

ЯККА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

1981 йилнинг 1 декабридан бошлаб

1981 йил бозор фондининг эски намунали талонлари бўйича автозаправка станцияларида автомобиль бензини, ёнилғи аралашмаси ва дизель ёнилғисини бериш, шунингдек ана шуларнинг талонларини сотиш

ТЎХТАТИЛАДИ

1981 йилнинг 1 декабридан бошлаб 1981 йил бозор фондининг янги намунали талонлари бўйича нефть маҳсулотлари берила бошланади.

Аҳолининг қўлидаги эски намунали талонлар, улар қачон ва қайси станцияларда сотиб олинганлигидан қатъи назар, 1981 йилнинг 1 декабридан бошлаб 1982 йилнинг 1 июлига қадар республика нефть базаларининг касаларида эквивалент қимматида янги намунали талонларга алмаштириб берилади.

Автозаправка станцияларида эски намунали талонларни янги намунали талонларга алмаштириш ман этилади.

Бозор фондининг янги намунали талонлари республика савдо ташкилотлари орқали сотилади.

Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари Давлат комитети

«Госкомгидромет»нинг

В. А. БУГАЕВ НОМЛИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САНИИ)

бўлимлар ва лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: актив таъсир этиш, оператив узоқ муддатли об-ҳавони прогнозлаш, оператив гидрометеорология прогнозлари;

катта илмий ходимлар: синоптик тадқиқотлар (об-ҳавони узоқ муддатли прогнозлари), атмосферага чиқиндиларни чиқаришни нормалаштириш бўйича тадқиқотлаш.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент шаҳри, Г-52, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефонлар: 33-61-13, 35-80-59.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/XII да Алмандар, 2/XII да Олтин девор, 3/XII да Баланд қолдаги аёллар.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ПРОМЕТЕЙ» цири спектакли (19.30 да).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раҳбарлиги, республика Министрлар Совети Ишлар мудирлиги аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедовга онаси

Асал СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тилшунослик, адабиётшунослик ва тарих бўлими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институти президиум аъзоси, академиянинг тарих институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг му бир аъзоси М. А. Охуновага онаси

Садабон ИСОҚЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Нурали Қобулга укаси

Бахтиёр ҚОЛБУТАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ўзбек адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси, филология фанлари кандидати М. Жумановга отаси

Мустафо ЖУМАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-70-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-33, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 32-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-10; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02373. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 277. 6